



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Марғилон шаҳар Мактабгача таълим

бўлими мудири:

Х.К.Курбанова
19.10.2022 йил

БАЖАРУВЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАБ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: **Фарғона вилояти Марғилон шаҳри мактабгача таълим ташкилотлари эҳтиёжи доирасида 2022-2023 йиллар учун картошка 61486 кг заҳираси сотиб олиш (қиймати ҚҚС билан).**

- 1.2. Танловнинг юқори қиймати ҚҚС билан 295 132 800 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов якунлари бўйича голиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва голиб бўлган қатнашчи билан шартномаимзоланган кундан бошланади.
- 1.5. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг **30%** миқдорида аванс тўловини ўтказиб беради.
- 1.6. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун шартномавий қийматининг **70%** доирасида амалга оширилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. **Марғилон шаҳар мактабгача таълим бўлими** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: **Марғилон шаҳар МТБ**

Эл.адрес ya.azizxon@mail.ru

- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харидкомиссияси томонидан ўтказилади
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуидаги малакавий талаблар қўйилади:
 - Танлаш иштирокчиси қайта ташкил этиш, тутатилиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан суд жараёни ёки арбитраж ҳолатида, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд эмаслиги хақида, шунингдек илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятларнинг йўқлиги тўғрисида кафолат хати
 - Техник топширик талабларига мувофиқ тақдим этилган маҳсулот намунаси сифатига кўра энг юқори балл билан баҳоланади

- Танлаш иштирокчисининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида солик органи ва хизмат кўрсатувчи банкдан олинган маълумотнома
 - Танлаш иштирокчисининг умумий фаолияти ҳақида маълумотнома
1. Низом маблағи миқдори.
 - 3.1. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартиба мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
 - 3.2. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.2. Танлов хужжатларида кўйидагилар тақдим этилиши лозим:
 - Техник қисмда, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
 - Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби, якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.
 - Танлов иштирокчилари хар бир талаблар бўйича ўз таклифларини яхлит ҳолда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.
- 4.3. Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:
Техник ва нархлар бўйича кўйидаги таклифлар:
 - Техник хужжатлар рўйхати (брюшюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатларрўйхати илова қилинади);
 - Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.
- 4.4. Танлов иштирокчиси:
 - факат битта таклиф бериши мумкин;
 - тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигигатўлик жавобгар бўлади;
 - таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳукуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

- 5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши қарориасида амалга оширилади.
- 5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш түғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш түғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталida эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш түғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисигатегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади